

ИННОВАЦИОН ТАФАККУР — ЖАМИЯТНИНГ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ МЕЗОНИ

Турабова Севара Каттақуловна,

Термиз давлат университетининг “Фалсафа” кафедраси
доценти, фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

АННОТАЦИЯ

Уибу мақолада мустақил, эркин ва асосли фикрлашнинг жамиятни демократлашириш ва либераллашириш жараёнларининг жадал ривожланиши, сиёсий системанинг тақомиллашуви, шу жумладан, мамлакатимиз аҳолисининг ижтимоий онг даражаси, сиёсий-хуқуқий маданиятининг ўсиши билан боғлиқлиги ҳақида фикр юритилади. Шунингдек, давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳалари шиддат билан ривожлананиши учун ислоҳотларни замонавий инновацион гоялар, ишиланмалар ва технологияларга асосланган ҳолда амалга ошириш тақозо этишилиги тавсифланади.

Калим сўзлар: инновацион тафаккур, ривожланиши, фуқаролик жамияти, таълим, тараққиёт, ахборот, демократия, танқид, инновацион гоя, интерактив метод, баҳс, ижтимоий жараён.

INNOVATIVE THINKING - CRITERIA FOR SUSTAINABLE DEVELOPMENT OF SOCIETY

ABSTRACT

This article discusses the connection of independent, free and reasonable thinking with the rapid development of democratization and liberalization of society, the improvement of the political system, including the level of social consciousness of the population, the growth of political and legal culture. It also describes the need for reforms based on modern innovative ideas, developments and technologies for the rapid development of all spheres of life of the state and society.

Key words: innovative thinking, development, civil society, education, development, information, democracy, criticism, innovative idea, interactive method, debate, social process.

ИННОВАЦИОННОЕ МЫШЛЕНИЕ - КРИТЕРИИ УСТОЙЧИВОГО РАЗВИТИЯ ОБЩЕСТВА

АННОТАЦИЯ

В статье рассматривается связь независимого, свободного и разумного мышления с быстрым развитием демократизации и либерализации общества, совершенствованием политической системы, в том числе уровня общественного сознания населения, ростом политической и правовой культуры. Также описывается необходимость реформ на основе современных инновационных идей, разработок и технологий для быстрого развития всех сфер жизни государства и общества.

Ключевые слова: инновационное мышление, развитие, гражданское общество, образование, формирование, информация, демократия, критика, инновационная идея, интерактивный метод, дебаты, социальный процесс.

КИРИШ

Бугунги кунда жаҳон цивилизациясининг постиндустриал мамлакатлар ҳамжамиятига айланиб бориши, турли маданиятлараро мулоқотнинг глобаллашуви инсон ҳаёти ва тафаккур тарзи жабҳаларида жиддий ўзгаришларга сабаб бўлмоқда. Хусусан, юртимизда барқарор ривожланиш жараёнларини модернизациялаштириш ва либераллаштириш мақсадида замонавий илмий йўналишлар ва технологияларни яратувчи ёшларни ҳамда инновацион тафаккур соҳибларини тарбиялаш давлат сиёсати даражасига қўтарилиди. Бунда илм-фан ва техника ютуқларини кенг қўллаган ҳолда иқтисодиёт тармоқларига, ижтимоий ва бошқа соҳаларга замонавий инновацион технологияларни тезкор жорий этиш Ўзбекистон Республикаси жадал ривожланишининг муҳим шарти ҳисобланди.

- Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили (Literature review). Бироқ “Ўзбекистон раҳбарияти томонидан ўтказилган таҳлил ишлаб чиқаришни модернизация, диверсификация қилиш, унинг ҳажмини ошириш ҳамда ички ва ташқи бозорларда рақобатбардош маҳсулотлар турларини кенгайтириш борасидаги ишлар лозим даражада олиб борилмаётганини кўрсатди” [2, Б. 5].

Хусусан, бу борада кўплаб кўрсаткичларнинг мавжуд эмаслиги ва ишлар самарали мувофиқлаштирилмагани сабабли мамлакатимиз сўнгти йилларда нуфузли ва обрўли халқаро тузилмалар томонидан тузиладиган Глобал инновацион индекс рейтингида иштирок этаолмаганлигининг гувоҳи бўлишимиз мумкин. Иқтисодиёт ва ижтимоий соҳа тармоқларининг илмий муассасалар билан ўзаро ҳамкорлиги даражаси пастлиги, вазирлик ва идоралар, шунингдек,

маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг инновацион ривожланиш соҳасидаги фаолияти лозим даражада мувофиқлаштирилмаётгани бу борадаги биринчи навбатдаги мақсадлар ва вазифаларга эришиш имконини бермади. Зоро, “жамиятда, табиатда, умуман, борлиқда ҳар бир тизим ўзаро диалектик алоқадорликда, доимий ҳаракатда” бўлмоқлиги лозим ” [3, Б. 15].

Натижада жаҳон фанининг замонавий ютуқлари, инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологиялар асосида мамлакатни жадал ривожлантириш, шунингдек, белгиланган вазифаларнинг ижросини изчил таъминлаш мақсадида 2019 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини амалга ошириш бўйича «йўл харитаси»га мувофиқ Ўзбекистон Республикасини 2030 йилгача инновацион ривожлантиришнинг мақсадли кўрсаткичлари тасдиқланди. Унга кўра:

—мамлакатнинг халқаро майдондаги рақобатбардошлилиги даражасини ва инновацион жиҳатдан тараққий этганини белгиловчи асосий омил сифатида инсон капиталини ривожлантириш;

—Ўзбекистон Республикасининг 2030 йилга келиб Глобал инновацион индекс рейтинги бўйича жаҳоннинг 50 илфор мамлакати қаторига киришига эришиш;

—барча даражада таълим сифати ва қамровини ошириш, узлуксиз таълим тизимини ривожлантириш, кадрлар тайёрлаш тизиминининг иқтисодиёт эҳтиёжларига мослашувчанлигини таъминлаш;

—илмий тадқиқотлар ва ишланмаларнинг илмий салоҳиятини мустаҳкамлаш ва самарадорлигини ошириш, илмий-тадқиқот, тажриба-конструкторлик ва технологик ишлар натижаларини кенг жорий этиш учун таълим, илм-фан ва тадбиркорликни интеграция қилишнинг таъсирchan механизmlарини яратиш;

—инновациялар, илмий-тадқиқот, тажриба-конструкторлик ва технологик ишларга давлат ва хусусий маблағлар киритилишини кучайтириш, бу соҳалардаги тадбирларни молиялаштиришнинг замонавий ва самарали шаклларини жорий этиш;

—бошқарувнинг замонавий усуллари ва воситаларини жорий этиш орқали давлат ҳокимияти органлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш;

—мулкчилик ҳукуқлари ҳимоясини таъминлаш, рақобатбардош бозорлар ташкил этиш ва бизнес юритиш учун teng шарт-шароитлар яратиш, давлат-хусусий шериклигини ривожлантириш;

—барқарор фаолият юритадиган ижтимоий-иктисодий инфратузилмани яратиш» [2, Б. 5] каби вазифалари белгиланди.

ТАДҚИҚОТ МЕТОДОЛОГИЯСИ (Research Methodology).

Пировард оқибатда Ўзбекистон ҳуқуқий-демократик давлат ва адолатли фуқаролик жамияти қуриш йўлидан изчил бораётганлиги боис кадрлар тайёрлаш тизими тубдан ислоҳ қилиниб, давлат ижтимоий сиёсатида шахс манфаати ва таълим устуворлиги қарор топа бошлади. Шунга мувофиқ Ўзбекистондаги таълим тизимида олиб борилаётган ислоҳотлар ҳам таълим сифатини ошириш масаласини долзарблаштириди, бунга жавобан эса мамлакатдаги “таълим тизимининг ишлаши ва ривожланиши учун ҳуқуқий кафолатлар ва механизмлар такомиллаштирилди” [1: Б.2]. Масалан, таълим жараёнида интерактив методлар, инновацион технологиялар, педагогик ва ахборот технологияларини ўкув жараёнида қўллашга бўлган қизиқиш, эътибор кундан-кунга кучайиб бормоқда, бундай бўлишининг сабабларидан бири шу вақтгача анъанавий таълимда талабаларни фақат тайёр билимларни эгаллашга ўргатилганлигидадир. Замонавий технологиилар эса талабалар эгаллаётган билимларни ўzlari қидириб топишларига, мустақил ўрганиб таҳлил қилишларига, хато хulosаларни ўzlari аниқлашларига ўргатади. Педагог бу жараёнга шахснинг ривожланиши, шаклланиши, билим олиш ва тарбияланишига шароит яратади ва шу билан бир қаторда бошқарувчилик йўналтирувчилик функциясини бажаради. Оқибатда таълим жараёнида талаба асосий бўғинга айланади. Бугунги кунда таълимни ислоҳ қилишдан мақсад ҳам ўқувчини, талабани мустақил, эркин, мантиқан асосли фикр юритишга ўргатиш ва шу йўл билан уларни очиқ демократик жамият қуришнинг фаол иштирокчиларига айлантиришдан иборат.

ТАҲЛИЛ ВА НАТИЖАЛАР (Analysis and results).

Инновацион технологиялар педагогик жараён ҳамда ўқитувчи ва талаба фаолиятига янгилик, ўзгаришлар киритиш бўлиб, уни амалга оширишда асосан, интерактив методлардан тўлиқ фойдаланилади. Интерактив методлар жамоа бўлиб фикрлашдан иборат бўлган таълим мазмунининг таркибий қисми ҳисобланади. Масалан, “Танқидий фикрлаш” методи орқали таълим олувчиларда дарс жараёнидаги баҳсли саволларни ечишда бир-бирларини тинглаш, мулоқот олиб бориш, турлича фикрларни таққослаш, бошқа киши тақдирига бефарқ қарамаслик каби хислатлар ривожланади, масалаларни ечиш ва тегишли ҳукм чиқариш каби қобилиятлари ривожланади, тафаккур қилиш ва тўғри ечимларни топиш малакалари ўзлаштирилади. Зеро, “танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик, - деб ёзади Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёев, – ҳар бир раҳбарни – бу Бош вазир ёки унинг

ўринбосарлари бўладими, ҳукумат аъзоси ёки ҳудуд ҳокими бўладими, улар фаолиятининг қундалик қоидаси бўлиб қолиши керак” [4, Б. 235].

Баҳс-мунозара методи жараёнидаги баҳс чоғида эса ўқитувчи таълим оловчилар билан баравар ҳақиқат изловчиси бўлиб ҳаракат қиласди. Ана шу баҳсада у ўз билимини намойиш этади, кенг фикрлайди, фикрларни далиллар билан асослайди, бу фазилатлар эса таълим оловчилар ўртасида ўзаро катта ҳурмат уйғотади. Баҳс жараёнида ҳар бир таълим оловчининг «шахсий фикри», ўз мавқеини ифодалаш ва асослаш малакаси юксак қадрланади. Бу метод ёрдамида ўқувчиларга муайян муаммо бўйича тўлиқ ахборотлар етказилади, мунозара учун танланган мавзууни ўқувчилар аёвсиз “штурм” қиласилар ва пировард натижада муаммога тегишли маълумотларни атрофлича ўрганадилар. Зоро, “баҳс-мунозарани конструктив ва самарали олиб бориш қобилияти амалиётнинг кўплаб йўналишлари учун муҳимдир”[5, Б. 125].

Шунингдек, ижтимоий инновацияларни татбиқ этиш йўли билан ҳам жамиятимиздаги маълум бир муаммоларни ечиш ва амалга ошириш лойиҳаларини тузиш мумкин. Масалан, ижтимоий инновациянинг шу усули меҳнат биржаларининг фаолиятига татбиқ этилса, самарали натижаларга эришилади. Чунки фуқароларнинг бўш иш ўринларига ишга жойлашиш масаласи муаммо бўлиб келмоқда. Сабаби – бу жараён шаффоф эмас. Давлат ташкилоти раҳбарлари ўз хоҳишлари ёхуд баъзида коррупцион тизимлар орқали янги ҳодимларни ишга олиш имкониятига эга эдилар. Муаммони ечиш учун маҳсус онлайн тарзда ишлатиладиган илова яратилса ва шу йўл билан жамоатчиликнинг реал тарздаги назорати ўрнатилса, фуқаролар ташкилотларда бўш жой бор ёки йўқлигини ушбу илова орқали билишлари ва назорат қилишлари мумкин бўлади. Давлат ташкилоти раҳбарлари жой йўқлигини пешлаб, таъмагирлик қилиш имкониятидан маҳрум бўлишади, қабул жараёни шаффофлашди.

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР (Conclusion/Recommendations).

Жамият ва давлат ҳаётининг барча соҳалари шиддат билан ривожлананиши учун “ислоҳотларни мамлакатимизнинг жаҳон цивилизацияси етакчилари қаторига кириш йўлида тез ва сифатли илгарилашини таъминлайдиган замонавий инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологияларга асосланган ҳолда амалга оширишни тақозо этади” [6, Б. 125]. Шу сабабли кенг кўламдаги ислоҳотларни амалга ошириш ноаъанавий, инновацион тафаккур тарзини шакллантириш ва юксалтиришни талаб қиласди.

Шунинг учун ҳам ёшларда мустақил, эркин фикрлаш, асосли муҳокама юритиши қобилиятини мустаҳкамлашга жиддий эътибор қаратишимиш, бугун жаҳон майдонида юз бераётган кескин ақл-заковат ва истеъодод мусобақасида беллашувга қодир бўлишимиз шарт. Зеро, “давр ўзгаришларини англаш ва идрок этиш, унга кенг жамоатчиликнинг ақл-заковати, моҳиятини тўғри йўналтириш, уни тўғри ҳал этишининг муҳим шарти бўлиб хизмат қиласи” [7, Б. 623].

REFERENCES

1. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисидаги қонуни» 23.09.2020 й. Н ЎРҚ-637
2. 2019 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикаси инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 сентябрдаги ПФ-5544-сон Фармони.
3. Кубаева Ш.М.Ўйин ва инновацион тафаккур (онтологик ва гносеологик таҳлил).: фал.фан.бўй.фал. доктори (PhD) номз. дис. автореф. ... – Самарқанд, 2019. – Б. 15.
4. Мирзиёев Ш.М.// Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд.-Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2018. – 235 б.
5. Эргашев И. ОАВ ва фуқаролик жамиятининг маънавий-маърифий асослари. Цивилизация келажаги: фалсафий ёндашув./ Халқаро илмий-назарий конференция материаллари. –Тошкент, 2012. – Б. 623
6. Turabova, K. K., & Turabova, S. K. (2021). THE ROLE OF SCIENTIFIC DISCUSSION IN THE FORMATION OF SCIENTIFIC AND CREATIVE ABILITIES AND PROFESSIONAL SKILLS. *CURRENT RESEARCH JOURNAL OF PEDAGOGICS*, 2(06), 167-170.
7. Turabova, S. K. (2019). Socio-historical basis for the development of euristics in the history of knowledge. *ISJ Theoretical & Applied Science*, 3(71), 485-488.
8. Туробова, С. (2020). Талабаларнинг аргументатив компетентлигини ривожлантиришда баҳс-мунозара методининг ахамияти. *Общество и инновации*, 1(1/s), 496-500.
9. Turabova, S. K. (2021). Socio-Historical and Logical-Epistemological foundations of the development of the art of dispute. *ASIAN JOURNAL OF MULTIDIMENSIONAL RESEARCH*, 10(5), 58-61.